

## **ЗАМОНАВИЙ ЗЕНИТ РАКЕТА-ПУШКАЛИ КОМПЛЕКС “ПАНЦИРЬ-С1” ХАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

*ЧОТҚМБЮ-ЗРҚ ЖҚ  
кафедраси ўқитувчиси  
майор X. А. Болтаев*

Охирги пайтлар ҳарбий конфликтларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, келгусида бўладиган урушлар олдингига нисбатан қаршилиги юқори, ҳажмий, манёврчан, ҳаво- ер хусусияти билан бирга ҳаво-космик фазосида ҳам операциялар (жанговор ҳаракатлар), қуруқликда, денгизда, шунингдек, стратегик инициативни ушлаб туриш ва қуршаб олишда ўткир кураш олиб бориш, бирданига шароитни ўзгариши ва ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш турлари билан хусусиятланади. Буларда ҳаво куч (ҳаво-космик) ва воситалари билан хужум қилиш урушнинг асосий мақсадларига эришишни ҳал қилувчи ўрнини эгаллайди, ҳарбий ҳаракатларнинг театри эса ҳаво-космик фазосига ёйилади, бу ерда курашаётган томонлар ўзларининг стратегик, оператив ва тактик вазифаларини бажаради. Бу хулосалар чет эл давлатлар ўз қуролли кучларида стратегик ва оператив концепцияларини қўллаши билан изохланади. [1]

Ҳаво-космик фазосида якка хокимликка эришишда вазифаларни қўриб чиқиши, опертив ва жанговар тайёргарликда душман қўшинларининг гурухларини кучсизлантиришга ва ўз мақсадларини амалга ошириш учун шароитларни яратишида етакчи чет эл давлатларининг қуролли кучлар қўмондонлиги томонидан катта этибор қаратилмоқда. Мисол учун охирги пайтда чет элда бир қатор катта масштабли ўқувлар бўлиб ўтди, уларда иштирок этганларнинг асосий эътибори ҳавода якка хокимликка эришиш ва қуруқликдаги қўшинларнинг гурухларини хужумга ўтиши учун шароитни яратишида ҳаво хужуми операцияларини тайёрлаш ва ўтказиш мақсадида комплекс вазифаларни ечишга қаратилган. Асосий эътибор авиацияни қўллаган холда душманинг самолётларини ҳавода ва аэродромларда яксон қилинишига, ҲХМ воситаларини енгишга ва душман худудининг

чуқурлигидаги жойлашган мухим ахамиятга эга бўлган обьектларига оммавий ракета-авиация зарбаларини беришга қаратилган. [1]



Бўлиб ўтган ўқувларни тахлил қиласидан бўлсак диққатни шунга қаратиш керакки ўқувлар давомида яратилаётган чет эл давлатларни ҳаво хужуми гурухларининг воситалари

маълум бир стратегик йўналишларда эҳтимолий душман бўлган давлатнинг XXM қўшинларининг гурухларидан устунлиги кўринади.

Хозирги шароитда душманинг ҳаво хужуми операцияларини бекор қилиш бўйича вазифани бажариш учун ва қўшинларни ҳамда обьектларни эфектив ҳаво хужуми мудофаасини душман ҳаво хужуми воситаларидан мудофаасини таъминлаш учун қуролли кучларни янада ривожлантириш йўли билан ва замонавий XXM ва XXK лари воситалари билан таъминлаш керак. [1]



Зенит ракета-пушкали комплекс “Панцирь-С1” 1982- йлда Тульск конструктор бюросида яратилган ва қуролланишга киритлган “Тунгуска” зенит ракета-пушкали комплексининг биринчи замонавий такомиллаштирилган модели ва дунёдаги хозирча ягона. “Тунгуска” комплекси мотоўқчи бўлинмаларини самолёт ва вертолётлардан ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқилган. Комплекснинг пушкали қуролланиши харакатдаги нишонларни хар хил об-ҳаво шароитларида ва куннинг хохлаган вақтида ўт очишни таъминлайди. “Тунгуска” ЗРПКнинг ракета билан қуролланиши нишонларни фақат қисқа тўхташлар билан ва қундузги вақтда нишонни оптик кўриш шароитларида ўт очишни таъминлайди. [1]

**“Тунгуска” комплексини қуролланишга қабул қилинган вақтдан ҳозирги пайтгача ҳаво хужуми воситаларининг техник тавсифларида катта ўзгаришлар бўлди. Паст баландликда учадиган ва юқори**

аниқлиқда уришни таъминлайдиган кичик ўлчамли қанотли ракеталар ва дистанцион-бошқариладиган учиш аппаратлари пайдо бўлди. Баъзи бир ҳаво нишонлирнинг учиш тезлиги 1000 м/с кўпайди. Катта ўлчамли учадиган аппаратлар билан курашишга мўлжалланган “Тунгуска” ЗРПК янги ҳавфлар билан курашишга эффектив эмас экан. [1]

“Панцирь-С1” ЗРПК ни яратиш мақсади ЗРПК ларни нишонларни ушлаш зоналарини ошириш, иш вақтини камайтириш, барча турдаги нишонларни яксон қилишни таъминлаш, ракетали куролларни ишлатиш шароитларини кенгайтиришда техник хусусиятларини такомиллаштиришга қаратилган. [1]

Замонавий локал урушларда (Югославия, Афғонистон, Ироқ) ҳаво ҳужуми воситалари орқали давлат худудининг бутун чукурлигida



жойлашган қуролли кучлар ва иқтисоднинг муҳим объетларига массив зарба бериш ҳарбий можороларнинг ҳал қилувчи омилини кўрсатди. [1]



қилиш шуни курсатдики, барча ҳаво ҳужумлари биринчи навбатда ХХМ воситаларини радиолакацияга қарши ракеталар (РКР) «Харм»,

Юқорида кўрсатилиб ўтилган локал урушларни ахборот материалларини анализ



қанотли ракелар «Томагавк» ва бошқарилувчи авиабомбалар GBU-15, GBU-16 билан енгиш фазасидан бошланади. [1]



Ҳаво ҳужум воситалари зарба бериш вақтида объектлар устидаги нишонлар координаталарини түгрилаш ва ҳужум натижалирига баҳо бериш учун катта миқдорда Дистанцион Бошқариладиган Учувчи Аппаратлар (ДБУА) бўлиши мумкин. Бундан ташқари, мудофааланаётган муҳим объектларга зирхланмаган ёки енгил зирхланган машиналардаги десантлаштирилаётган диверсион гурухлар ёриб кириши мумкин. [1]

Ҳаво ҳужум воситалари зарба бериш вақтида объектлар устидаги нишонлар координаталарини түгрилаш ва ҳужум



зирхланган машиналардаги десантлаштирилаётган диверсион гурухлар ёриб кириши мумкин. [1]

Шунинг учун яқин масофада ҳаракат қиласиган зенит комплексларига мудофааланаётган объектлар районида ДБУАни, енгил жанговар машиналарни ва душманнинг тирик кучларини яксон қилиш вазифалари қўйилган.

Ҳаво нишонларининг кўп сонлилиги ва юқори зичлиги ҲҲМ воситаларидан нафакат юқори жанговар ишлаб чиқариш кераклиги, балки катта миқдорда ўт очишга тайёр ўқ-дориларни ва уни тезда тўлдириш имкониятини талаб қиласиган.

ҲҲМ тизимида максимал яксон қилиш узоқлиги 15-20 км бўлган яқин масофада ҳаракат қиласиги комплекслар алоҳида муҳим ўринни эгаллайди. Бу турдаги комплекслар узоқ масофада ҳаркат қиласиги комплексларга нисбатан «нархи-эфективлиги»га кўра устун. [1]

Энг замонавий техникалар намуналаридан бири, қуйидаги талабларга жавоб бера оладиган бу “Панцирь-С1” ЗРПК ҲҲМ қўшинлари учун муҳим кичик ўлчамли ва нуқтали қуруқлиқдаги қўшинларнинг, бўлинмаларнинг ва



қисмларнинг ишлаб чиқариш объектларини, шунингдек, паст ва ўта паст баландликларда ҳаво ҳужуми воситалари орқали массив зарбалар билан юқори аниқликдаги

қуролларни қўллаганда ҲҲМ гурухларини кучайтиришда қўлланилади. [1]

“Панцирь-С1” ЗРПКнинг муҳим жихатлари қўйидагилар:

ишлатиш универсаллиги, ҳаво нишонларининг қарийб барча спектрдагиларини яксон қилнишини таъминлаши, энг аввало, 1000 м/с гача тезлиқда ҳар хил йўналишда  $0\text{-}10^0$  дан  $60^0\text{-}70^0$  бурчак остида объектга учиб келаётган барча турдаги юқори аниқликдаги қуролларни, 500 м/с гача тезлиқда учадиган самолетларни, вертолётларни, ДБУА, шунингдек, душманнинг ердаги енгил зирхланган нишонларини ва тирик кучларини;

- комбинирлашган ракета-пушки қуроллари, 5 м дан 15 км. гача бўлган баландликда, максимал зарар етказиш узоқлиги 18-20 км дан бошлаб ва 200 м узоқликда яксон қилиш майдонини яратиб, тўхтовсиз ўт очишни таъминлайди;

- курол- яроғни кўп режимли мослашувчи радиолакацион-оптик тизими, дм, мм ва инфракизил узун тўлқинли диапазонларда ишлайди, бу эса ўз навбатида радиоэлектрон ва ўт билан босиш шароитида радиоэлектрон халақит воситаларини ва радиолакацияга қарши «Харм» туридаги ракеталарни қўллаган ҳолда юқори даражада шовқинга устунлигини ва яшовчанлигини таъминлайди, шунингдек, комплексни ишончли жанговар ишлашини;

- қисқа вақт реакцияси ҳисобидан юқори жанговар ишлаб чиқарувчанлиги, ЗБР нинг юқори учиш тезлиги ва кенг спектрда ишлайдиган кўп каналли бошқарилувчи тизимни мавжудлиги;

- юқори аниқликдаги ракеталарни нишонга олиш командали тизими, кичик ўлчамдаги юқори манёврчанлиги билан биргаликда юқори эффективли ва нархи арzon кўп микдордаги (12 дона) ЗБР ларни жанговор машинада жойлаштириш имкониятини яратди;.

- қаттиқ ёқилғили икки босқичли кичик ўлчамдаги ЗБР юқори ўрта учиш микдорини, манёврчанлигини ва ўзининг жанговар қисмидаги катта қудратли осколка-стержени ҳисобига мм ва оптик диапазон тўлқинларда ЗБР бошқарув

тизимининг юқори нишонга олиш аниқлиги барча турдаги нишонларни яксон қилинишини таъминлайди;

- бошқарилувчи авиация, ДБУА, СКР ва ТКР ларга қувлаб ўт очиш комплексни жанговар имкониятини ва таъсир этиш чукурлигини 2 маротаба оширади; [1]

**Маълумотнома:** Гипертовушли ЗБР 57Э6 юқори учиш-баллистик хусусиятли қаттиқ ёқилғили икки босқичли ракета, ўзининг таъсир этиш чегарасидаги барча турдаги нишонларни яксон қилиш воситалридан асосийси хисобланади. Ракета диаметри 170 мм.ли ажралувчи старт двигатели билан бикалибр ва ҳаво-динамик бошқарув юритмаси билан биргалиқда нишонга олиш командали тизими, нишонни радиопеленгация қилиш ва ИК бўйича ишлаб чиқилган. ЗБР 57Э6 ташқи кўринишива компоновкаси бўйича “Тунгуска” ЗРПКнинг 9М113 ракетасига ўхшайди. [1]

- ракета билан қуролланиши комплексни жанговар қўлланишини ҳаракатда (ёки қисқа тўхташлар билан) ўт очшини кенгайтиради;

- алоҳида жанговар машинада ёки бўлинма таркибида бир нечта жанговар машиналар билан биргалиқда жанговар иш режимининг тўлиқ автоматлаштирилганлиги, ўз навбатида вақт хусусиятларини яхшилаш имконини беради, шу билан бирга экипаж аъзоларининг рухий-жисмоний зўриқишиларини пасайтиради;

- аниқлаш, кузатиб бориш ва яксон қилиш воситаларининг битта жанговар бирликдаги ҳисобига кўра жанговар қўллашнинг автономлиги;

- узун тулқин диапазонли инфрақизил канал билан сигнални мантиқий қайта ишлаш ва нишонни автоматик кузатиб бориш ҳисобига кўра нишонга олишнинг юқори аниқлилиги;

- жанговар машина ва комплексни модул тузилишининг принципи, дастлабки комплекснинг базасига кўра унинг асосида турли хил модификацияларни яратиш имконини беради. [1]

## Зенит бошқарилувчи ракета



### Хусусиятлари:

- старт қисмida учиш вақтинингкамлиги ( $t=2.4$  с.  $V_{max}=1300$  м/с)
- юқори манёврчанлиги
- старт двигателисиз учишда баллистик секинлашишининг озлиги (1 км йўлга 40 м/с )
  - яксон қилиш худудининг кенглиги:узоқлик бўйича 20 км гача, баландлик бўйича 10 км гача
  - жанговар қисмининг катта массаси бўйича(20 кг) ЗБР кичик старт оғирлиги(75.7 кг)
    - жанговар қисмida стерженли зарар етказиш элементларини кўллаганда, кенг классдаги нишонларни ишончли яксон қилинишини таъминлайди
    - борт аппаратурасининг микроминиатюрний ишлатилиши “Панцирь-С1” ЗРПК мобил вариантда ўз ичига олади:жанговар машинани (батареяда 6 ЖМ гача), зенит бошқарилувчи ракетани, 30-мм зенит автоматларни, транспотр-ўқловчи машинани (2 ЖМ га битта машина), техник хизмат кўрсатиш ва ўқув-машқ воситаларини.

ЖМ комплексга кенг кўламдаги аэродинамик ва ердаги нишонларни, шунингдек, енгил зирхланган машиналарни ва душманни тирик кучларини яксон қилиш бўйича қўйилган вазифаларни бажариш учун мулжалланган.

Комплексда модулли конструкция қўлланилган:

- ЖМ хисоби билан бошқарув модули;
- курол-аслахалар модули; башня ускунаси;
- электротаъминот тизимининг бўлими(ЭТБ).

Комплекс енгил зирхланган машиналарда ўрнатилиб ҲҲМ, ҲДҚ бўлинмаларида кудратли мобил восита сифатида ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари ғилдиракли ва занжирли базаларда ҲҲМ, ҲҲК, МҚ бўлинмаларида ва ҲДҚ кемаларида хам қўлланилиши мумкин. [1]

**ЗРПК ахборотлашув воситаси нишонни аниқлаш радиолакацион станциясидан тузилган (НАС), нишонни ва ракетани кузатиб бориш радиолакацион станциясидан (НРКБС) ва нишонни ва ракетани оптик-электрон кузатиб бориш тизими (ОЭТ).**

НАС 20 гача нишонни автоматик кузатиб боришини таъминлаб, хар бири бўйича ЖМ нинг хисоблаш тизимига уларнинг учта координатасини ва нишоннинг радиал ташкил этувчи тезлигини беради. Ундан ташқари НАС нишонни қайси давлатга тегишлилигини аниқлайди ва унинг турини идентификация қиласди (самолёт, вертолёт, кичик ўлчамли нишон), бу эса ўз навбтида нишонни яксон қилиш эҳтимолини оширади. [1]



“Панцирь-С1” ЗРПК нинг юқори жанговар хусусиятлари катта даражада нишонни ва ракетани кузатиб бориш радиолакацион станцияси (НРКБС) хисобига таъминланади, тузилишида фазирланган решёткали антеннани (ФРА) қўлланганлиги сабабли. [1]

Нишонни ва ракетани кузатиб бориш радиолакацион станцияси (НРКБС) иккита станциядан ташкил топган:

Биринчиси фазирланган решёткали антенна (ФРА) ёрдами билан фақат ЗБР нинг радио жавоб бергич (РЖБ) сигналини қабул қилиш билан ишлайди, у элементларнинг кам сонига эга бўлиб, ЗБР ни учта координатасини ўлчайди ва ракетани чиқариш участкасида локаторнинг асосий диаграммасида ишлатилади.

Иккинчи станция кўп элементли фазирланган решёткали антенна (ФРА) нишон ва ракета бўйича қабул қилиш ва узатиш режимида ишлайди. [1]

ФРА қўлланилиши радиолакацион, хар хил об-хаво шароитлар режимида учта нишон бўйича учта ўт очиш каналини амалга ошириш имконини беради, имкониятнинг яна бир томони ўта ҳавфли нишонлардан бирига иккита ракета билан залп ўт очишни таъминлайди. Бундан ташқари, НРКБС ёйилиш худудидан ФРА киритиш ёрдами билан ракеталарни радиолакацион киритишини таъминлаб, ракетани бошқарилмайдиган учиш қисмининг бошидан ФРА асосий аниқ нишонга олиш канали ракетани ушлаб олиш зонасигача. Радиолакацион киритиш ракетани учиш-баллистик хусусиятларини яхшилаш имконини юқори энергетикли аралашмали ёқилғини ажralувчи старт тезлатгичида қўллаш ҳисобига кўра имкон берди.

**Маълумотнома :** Артиллерия қурол-аслахалари нишонларни осколка-фугасли, осколка-ўзидан из қолдирувчи ёки зирхтешар-ёндирувчи снарядлар билан яксон қилиш учун мулжалланган. “Панцирь-С1” ЗРПК да тез отар икки стволли 2А38 30-мм зенит автоматлари ўрнатилган (“Тунгуска” ЗРПК автоматлари билан бир хил). Улар 4000 м гача узоқликда булган хаво нишонларини ўт очишни таъминлайди. Отиш тезлиги дақиқасига 5000 та ўқ узиш гача ва снаряднинг бошланғич тезлиги 970 м/с гача. Стволнинг емирилиши камида 8000 та ўқ узиш. Битта ЖМ олиб юрадиган боекомплект - 1400 унитар ўқлар. Битта автоматнинг оғирлиги 230 кг ни ташкил этади. [1]

НРКБС комплекси қисқа тулқинли радиотулқин диапазонида ишлайди, бу эса бурчак координаталарини юқори улчаш аниқлигини таъминлайди ва паст баландликда учаяпкан нишонлар буйича радиолакацион режимида ишлаш имконини беради. [1]

Ердаги нишонларга ва жуда паст баландликларда учаяпкан нишонларга қарата ут очиш учун оптик электрон тизим (ОЭТ) нишонларни ва ракеталарни кузатиб боришда ишлатилади.

ОЭТ рақамли хисоблаш тизимининг нишонни курсатиш маълумотларидан нишонни қайта излашини таъминлайди ва нишонни автоматик кузатишда автоматик ушлаб олади. Автоматик кузатиш узоқлиги (об-хаво куриниш узоқлиги 10 км бўлганда) ташкил этади:

- F-16 самолёти - 17-26 км;
- ПРР «Харм» - 13-15 км;
- КР ALCM - 11-14 км.

“Панцирь-С1” жанговар машина комплексининг хусусияти битта жанговар машинада комбинированли ракета-пушкини қурол аслахалар, аниқлаш ва кузатиб бориш воситалари бирлаштирилган ягона кўп диапазонли бошқарув диапазонинг мавжудлиги.

Жанговар машинада жихозланган бу аппаратуралар унга автоном жанговар ишлашини таъминлашга имконият беради. Жанговар машина таркибида рақамли алоқа каналлар аппаратурасининг мавжудлиги “Панцирь-С1” комплексига хар хил режимларда батареяли ишлашни таъминлашга имконият беради.

- автоном жанговар ишлаш;
- бошқарув пункти билан ишлаш;
- «етакловчи-йўналтирувчи» режимларида батареяда ишлашни;
- бошқарув пункти ва узоқни аниқлаш локатори билан батареяда ишлашни.

Бошқарув тизимининг асосий хусусиятлари :

- бир вақтнинг ўзида  $\pm 45^0$  секторда учётган тўртта нишонларга ўт очиши, ФРА мм-диапазонли ва мустақил оптик тизим;
- радиолакацион ва оптик-электрон воситаларини битта тизимга бирлаштирилиб дм, мм ва ИК узун тўлқинли диапазонларда ишлаш хисобидан барча турдаги шовқинларга юқори даражадаги устунлиги;
- кўп функционалли радиолакацион тизим НРКБС ни қўллаш хисобидан битта нишонга иккита ракета билан залп отиш имконияти;
- НАС 20 тагача нишонни автоматик кузатиб бориш хисобидан 4-6 с чегарасида реакция қила олишлиги ва нишонни кўрсатиш аниқлигини бериши НРКБС нишонни тезда қайта излаш ва ушлаб олишини ва ОЭТ кузатувини таъминлаши;

- ахборотларни хусусиятларини хисоблаши, нишонни хусусиятларини ва ҳаракатланиш параметрларини хисоб-китоб қилиб қуролни ва ўт отиш турини танлай олишлиги;
- жанговар иш циклини тўлиқ амалга оширилиши – автоматик режимда нишонларни аниқлашдан уларни яксон қилинишигача;
- жанговар ишни экипаж аъзолари билан яrim автоматик режимда олиб бориш имконияти. [1]

ЖМ пушкали қуролланиш таркибига иккита 2А38М икки стволли зенит автомати киради, улар “Тунгуска-М1” комплексидан олинган бўлиб узоқлиги бўйича 4 км гача, баландлик бўйича 3 км гача худуддаги ҳаводаги ва ердаги нишонларни яксон қилиш имкониятига эга. [1]



“Панцирь-С1” ЗРПК нинг юқори техник хусусиятлари ҲҲМ тизимининг бу комплекслар билан қуролланиши чет эл давлатларининг ҲҲМ яқин масофали комплекслари устидан катта устунлик яратади.

“Панцирь-С1” ЗРПК катта хажмда текширувларни ўтди ва жанговар қўллаш хар хил шароитларида ўзининг юқори хусусиятларини исботлади. [1]

Етакчи чет эл давлатларнинг қуролли кучларини ривожланиш йўналишини эътиборга оладиган бўлсак, биринчи навбатда уларнинг ҲҲК ва ҲҲМ қўшинларини олиш керак. ҲҲМ қисм ва бўлинмаларини доимий душман томонидан қўшинларга ва обьектларга ҳаво ҳужумини қайтаришга шай туриши учун замонавий ҲҲМ қурол-яроғ воситаларига эга бўлиш керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мақолани тайёрлашда [WWW infonika.ru /text/inftech/edu/design](http://WWW.infonika.ru/text/inftech/edu/design) маълумотларидан фойдаланилди.